

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХОМИДОВ МИРЗАОБИД ХОМИДОВИЧ

**ОДДИЙ КАЛИНА (*VIBURNUM OPULUS L.*) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ”**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Хомидов Мирзаобид Хомидович

Оддий калина (*Viburnum opulus* L.) биоэкологияси ва кўпайтириш
технологияси.....3

Хомидов Мирзаобид Хомидович

Биоэкология и технология размножения калины обыкновенной (*Viburnum
opulus* L.)21

Hamidov Mirzaobid Homidovich

Bioecology and the technology of breeding of (*Viburnum opulus* L.)39

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХОМИДОВ МИРЗАОБИД ХОМИДОВИЧ

**ОДДИЙ КАЛИНА (*VIBURNUM OPULUS L.*) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ”**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ –2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Qx1047 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyoneb» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бердиев Эркин Турдалиевич
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Тўхтаев Бобоқул Ёрқулович
биология фанлари доктори, профессор

Эшанкулов Бобомурод Инаятovich
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Акад. М.Мирзаев номли Боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институту**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 3 май соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№550721-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 22 апрел куни тарқатилди.
(2023 йил 30 ноябрдаги 80-рақамли ресур бейталома).



А.Ш.Азизов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,
доцент

С. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда резавор мевали доривор бутасимон ўсимликларни маданийлаштириш, уларнинг дориворлик ва манзаравийлик хусусиятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, фармацевтик хом-ашёси асосида табиий дори воситалар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Бу каби ўсимликлар орасида калина (*Viburnum L.*) ўсимлиги шифобахшлиги, манзаравийлигига кўра Европа ва МДХ мамлакатлари кенг фойдаланилаётган ҳамда Фармакопеясига киритилган доривор ўсимлик ҳисобланади. “МДХ мамлакатларида биргина оддий калинанинг (*Viburnum opulus L.*) йилига 50 минг тонна мевалари терилади”¹. “Россия фармацевтика саноатида йиллик калина пўстлоғига бўлган талаб 90 тонна атрофида”². Калинанинг новда пўстлоғида қон ивишини фаоллаштирувчи вибурнин гликозиди мавжуд. Доривор хом-ашё сифатида мевалари (*Fructus viburni*) ва новда пўстлоқлари (*Cortex viburni*) ишлатилади.

Жаҳонда Россия Федерацияси, Украина ва Беларусь республикаларида калинанинг дориворлик хусусиятлари новда пўстлоғида мавжуд вибурнин гликозидини тадқиқ этиш, фармацевтика саноатида фойдаланиш, доривор воситалар ишлаб чиқиш, саноат плантацияларини барпо этиш, ширин мевали серҳосил навларини яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бунинг натижасида калина хом-ашёси асосида янги доривор воситаларни ишлаб чиқиш имконияти яратилиб, янги боғ экинни сифатида экиш кўлами кенгаймоқда.

Республикамизга интродукция қилинган янги манзарали дарахтсимон ва бутасимон ўсимликларни маҳаллий шароитларда кўпайтириш ва ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш, ўрмон хўжалиги ва кўкаламзорлаштириш соҳасига кенгроқ татбиқ этиш ва маҳаллий дендрофлорани бойитиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилиб, маълум натижаларга эришилган. Калинанинг интродукция шароитида биоэкологияси, уруғидан ва вегетатив кўпайтириш имкониятларини аниқлаш, мевасини биокимёвий тадқиқ этиш, уруғкўчатларини етиштириш технологияси бўйича илмий тавсиялар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларда мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Республика ҳудудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада доривор ҳамда манзарали бутасимон ўсимлик ҳисобланган оддий калинанинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда республикамизда унинг илк она плантациясини барпо этиш, кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4424-сон «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон ”Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта

¹ booksite.ru/fulltext/rusles/kalina/text.pdf

² korolevpharm.ru/dokumentatsiia/kalina_obyknovennaya.html

ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ва мазкур соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларга боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» илмий-техника дастурида белгиланган устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг бир қатор мамлакатларида калина ўсимлигини кўпайтириш агротехникасини ишлаб чиқиш, генофондини ўрганиш, истиқболли шакллари танлаш ва баҳолаш, янги ширин-нордон мевали навлар яратиш бўйича Россия Федерациясида академик М.А. Лисавенко номидаги Сибирь боғдорчилиги илмий-тадқиқот институтида, И.В. Мичурин номидаги Бутунроссия мевали ўсимликлар генетикаси ва селекцияси институтида, Бутунроссия ўсимликшунослик институтининг Павловский тажриба станциясида (Ленинград области) ва Узоқ Шарқ тажриба станциясида, Бутунроссия селекция илмий-тадқиқот институти (Мичуринск, Тамбов области) ва Уралда (Челябинск) В.Г. Атрохин, К.К. Калущкий, Ф.Т. Тюрикова, Л.И. Вигоров, О.М. Евтухова, Е.Д. Солодухин, Л.А. Хохрякова, С.А. Сучкова, А.П. Софронов, С.В. Фирсова, Беларусь Республикасида Мевачилик институтида Т. М. Андрушкевич, Украинада Л.П. Симиренко номидаги Млиевский боғдорчилик институтида И.Р. Кисилевский каби олимлар ҳамда А. О. Aykutlu, В. Moldovan, Т.Н. Barak, R. Daubaras, A. Donmez, M. Sam O. Rop, M.С. Witmer, Y. Zhu каби хорижий олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган ва натижада калинанинг совуққа чидамли ва серҳосил навлари яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Ўзбекистонда интродукция шароитида калина кам ўрганилган, бу ўсимликни биологиясини, интродукциясини ўрганиш Э.Т. Бердиев, М.З. Холмуратов томонидан ўтказилган. Калинани кўпайтириш, истиқболли шакллари танлаш, она плантациясини барпо этиш, мевасида, новда пўстлоғи ва баргида витаминлар, макро-микроэлементларини ўрганишга оид илмий тадқиқотлар ўтказилмаган.

Ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики калина ўсимлигини уруғидан ва вегетатив усулда кўпайтириш ва кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, меваси, барги ва пўстлоғи таркибини биокимёвий ўрганиш, истиқболли шакллари танлаш ва она плантациясини яратишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ВА-ҚХА-9-007 рақамли “Оддий калинанинг

(*Viburnum opulus* L.) манзаравийлик хусусиятлари ҳамда кўпайтириш технологияси” (2017-2018 й.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилояти шароитларида интродукция қилинган оддий калинанинг (*Viburnum opulus* L.) уруғидан ва вегетатив усулларда кўпайтириш имкониятларини аниқлаш, истиқболли шаклларини танлаш ва она плантациясини яратиш, биокимёвий тадқиқ этиш ҳамда стандарт талабларга жавоб берувчи кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

оддий калина (*Viburnum opulus* L.) бута ўсимлигини интродукция шароитларида биологияси, экологик омилларга муносабатини ҳамда мева ва уруғларининг морфологик хусусиятларини аниқлаш;

оддий калинани (*Viburnum opulus* L.) уруғидан кўпайтириш, уруғ кўчатларини етиштириш ҳамда новда қаламчаларини илдиз олдириш ва кўчатларини етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш;

оддий калинани (*Viburnum opulus* L.) она плантациясини яратиш ва уларни минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг мақбул меъёрларини аниқлаш;

оддий калинанинг (*Viburnum opulus* L.) барглари, пўстлоғи ва меваси ва турли органларининг биокимёвий таркибини аниқлаш;

оддий калина (*Viburnum opulus* L.) ўсимлигини мусбат шаклларини танлаш ва селекцион баҳолаш;

оддий калина (*Viburnum opulus* L.) уруғкўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон флорасига интродукция қилинган оддий калина (*Viburnum opulus* L.) бута ўсимлиги, унинг мевалари, уруғлари, новда қаламчалари, уруғкўчатлари ва кўчатлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб оддий калина бутасининг биоэкологияси, кўпайтириш усуллари, минерал ўғитлар меъёри, истиқболли шаклларни биологик ва манзаравийлик хусусиятлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, уруғ ва новда қаламчаларини тайёрлаш, уруғларни сифат кўрсаткичларини аниқлаш, кўчатларни парваришлаш, стандарт кўчат чиқишини ҳисоблаш, 1000 дона уруғ оғирлиги ГОСТ 13056.4–67 (QzDSt 322.15.04.2009) «Методы определения массы 1000 семян» талаблари асосида, 3317–90 (QzDSt 322.15.04.2009), “Сеянцы деревьев и кустарников” талаблари асосида, вегетатив усулда етиштирилган кўчатларни сифатини баҳолаш ГОСТ 26869-86 “Сажены декоративных кустарников” давлат стандарт талаблари асосида, калина ўсимлигини яшовчанлиги ҳамда интродукцион баҳолаш П.И. Лапин, С.В. Сиднева (1973) ва Г.П. Семёнова (2001) услублари бўйича, фенологияси Н.Е. Бульгин (1979) ва Г.Э. Шульц (1981) услублари бўйича, манзаравийлигини баҳолаш Н.И. Штонда (2016) услуби бўйича ўтказилган, дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel

компьютер дастури ёрдамида Б.А. Доспехов услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон флорасига интродукция қилинган тур – оддий калинани (*Viburnum opulus* L.) фенологияси, биологияси тадқиқ қилиниб, экологик омилларга чидамлилиги аниқланган;

оддий калинани (*Viburnum opulus* L.) уруғларидан кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилиб, 10 сентябрда терилган ва 85 кун стратификация қилиниб, 5 декабрда экилган уруғлар баҳорда 68% униш қобилиятига эга бўлиши исботланган;

оддий калинани (*Viburnum opulus* L.) вегетатив усулда кўпайтиришда март ойининг иккинчи декадасида тайёрланган новда қаламчалари максимал 54% илдиз олиши аниқланган;

оддий калинани (*Viburnum opulus* L.) 4x2 м схемада экилган она плантациясида вегетация мавсумида минерал ўғитларнинг N₉₀P₉₀ меъёрида 3 марта озиклантириш ҳосилдорликни 1,9 баробар ошириши аниқланган;

оддий калинанинг (*Viburnum opulus* L) 100 дона мевалари оғирлиги бўйича Тошкент-6 (40,66 г), Тошкент-3 (41,62 г), мевалари йириклигига кўра Тошкент-3, Тошкент-6, Тошкент-7 ва Тошкент-12 шакллари селекция ишлари учун истиқболли эканлиги аниқланган;

оддий калина (*Viburnum opulus* L) меваси таркибидаги С витаминининг миқдори 16538,65 мг/кг ёки 1,654% ни ташкил этган ва С витамини манбасига бой фармацевтик хом ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

оддий калина (*Viburnum opulus* L) мевалари таркибида кальций 782,9 мг/кг, калий 2943,231 мг/кг, магний (Mg) 204,4 мг/кг, фосфор (P) 368,9 мг/кг, натрий (Na) 115,3мг/кг, темир (Fe) 9,1 мг/кг миқдорида мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўтказилган лаборатория ва дала тажрибалари асосида қуйидаги амалий натижалар олинди:

оддий калинани доривор ва резавор мевали ўсимлик сифатида фойдаланиш учун 12 та мусбат шакллар орасидан 4 та энг яхши йирик мевали ва ҳосилдорлиги юқори истиқболли шакллар ажратилган;

оддий калина баргида энг кўп учрайдиган элемент кальций (21322,46 мг/кг), магний (2531,68 мг/кг), калий (1887,63 мг/кг) ва бор (493,04 мг/кг) эканлиги аниқланган;

оддий калина пўстлоғи таркибида кальций 3929 мг/кг, калий 5359,83 мг/кг, магний 547,22 мг/кг, фосфор 261,879 мг/кг ва натрий 150,08 мг/кг миқдорида эканлиги аниқланган;

ТДАУ Ўқув-тажриба бўлимида 0,20 га майдонда калинанинг она плантацияси барпо этилган;

оддий калинани бир йиллик уруғкўчатларини етиштириш ҳисоб-технологик харитаси тузилган ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган илмий тадқиқот натижаларини илмий лойиҳа диссертация иши доирасида бажарилганлиги,

Тошкент давлат аграр университети апробация комиссияси томонидан дала тажрибалари ҳолати ва бирламчи маълумотларнинг ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари бўйича тузилган оралиқ ва якуний ҳисоботларни ТДАУ Илмий кенгашида муҳокама этилганлиги, йиллик ва якуний ҳисоботларни тақриз қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги ва конференция материалларида чоп этилганлиги, уларни ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилганлиги, тадқиқотлар жараёнида олинган дала, лаборатория ва экспедициядан олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада оддий калина уруғларини териш ва экиш учун мақбул муддатлари ҳамда уруғ кўчатларни етиштиришда юқори миқдорда стандарт уруғкўчатлар чиқишини таъминловчи агротехник усуллар аниқланганлиги, доривор ўсимлик сифатида фойдаланиш учун 4 та йирик мевали ва ҳосилдор мусбат шакллари танланганлиги, уларнинг новда қаламчаларини илдиз олдириш усулида стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, оддий калина плантацияларини барпо этиш учун уруғидан ва новда қаламчаларидан кўпайтириш ва стандарт кўчатларини етиштириш технологияси ишлаб чиқилган, кўчатзорда 1 йил давомида калинанинг стандарт кўчатларини жадал етиштириш технологияси ишлаб чиқилган, бунинг натижасида ўрмон хўжаликларидан кўчатзорда ялпи етиштирилган кўчатларнинг 75% дан ортиқ қисми стандарт кўчатлар сифатида шаклланиши учун имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Калинани кўпайтириш ва стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Калина (*Viburnum opulus* L.) ўсимлигини кўпайтириш ва плантацияда ўстириш бўйича тавсиянома» тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлигининг 2023 йил 15 декабрдаги 03/18 – 8933-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома ўрмон хўжаликлари ва доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган хўжаликларда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Калинанинг 500 туп кўчатлари Фарғона давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида она плантация барпо этиш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлигининг 2023 йил 15 декабрдаги 03/18 – 8933-сонли маълумотномаси). Натижада, етиштирилган 500 туп калина мевага киргач 41500,0 минг сўм/га даромад олиниб, уруғкўчатларини етиштириш орқали 745348,5 минг сўм/га иқтисодий самарадорликка эришилган.

ЎзР ФА Тошкент ботаника боғи худудида калина кўчатларини 0,5 га майдонда экиш орқали жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2023 йил 24 июлдаги 04/1255-1535 сон маълумотномаси). Натижада оддий калина кўчатларини экиш орқали Ботаника боғининг Шимолий Америка экспозицияси генофонди бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация доирасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган. Шунингдек, тадқиқот натижалари “International scientific-practical conference actual issues of agricultural development: problems and solutions”: (Фарғона, 2023) мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация ишининг илмий натижалари 11 та илмий ишларда ўз аксини топган. Уларнинг 3 таси ЎзР ОАК томонидан тавсия этилган журналларда (жумладан, 1 таси хорижий), 7 таси конференция тўпламларида (жумладан 4 таси халқаро) чоп этилган, шунингдек 1 та ишлаб чиқаришга тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Илмий тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти атрофлича ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Калина (*Viburnum L.*) турларини илмий ўрганиш ва маданийлаштириш (Адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, ўтган асрнинг 60-йилларида калина турларининг дориворлиги илмий асосланганлиги, систематикасини такомиллашганлиги, биологик ва биокимёвий хусусиятлари, селекцияси, кўчатларини етиштириш, уруғидан ва вегетатив кўпайтириш, ва кўчатларни парваришлаш агротехникаси бўйича хорижий олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган. Калинанинг биологияси, экологияси ва географик тарқалиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг ўтказиш шароити, объекти, дастури ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказиш шароити, тадқиқотларни ўтказиш дастури ва услублари баён этилган.

Тадқиқотлар ўтказилган жойнинг рельефи, гидрологияси, иқлими ва тупроқ шароитлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таҷрибаларда калина уруғлари августдан октябргача 10-15 кун оралиқда терилган, стратификация қилинган, турли муддатларда сақланган ва экилган.

Калина уруғларининг ҳаётчанлигини аниқлаш QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 13056. 8–68) «Семена деревьев и кустарников. Методы определения доброкачественности» стандарт талаблари асосида амалга оширилган. Калинанинг 1000 дона уруғларининг оғирлиги QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 13056.4–67) «Методы определения массы 1000 семян» стандарт талабларига биноан аниқланган.

Калина уруғкўчатларининг сифати QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 3317–90) «Сеянцы деревьев и кустарников» давлат стандарти талаблари асосида, вегетатив усулда етиштирилган кўчатларни сифати ГОСТ 26869-86. Саженцы декоративных кустарников» давлат стандарт талаблари асосида баҳоланган.

Калина ўсимлигини яшовчанлиги ҳамда интродукцион баҳолаш П.И. Лапин, С.В. Сиднева (1973) ва Г.П. Семёнова (2001) услублари бўйича, фенологияси – Н.Е. Булыгин (1979) ва Г.Э. Шульц (1981) услублари бўйича, манзаравийлигини баҳолаш – Н.И. Штонда (2016) услуби бўйича ўтказилди.

Калина мевалари, барглари ва новда пўстлоғи таркибидаги витаминлар, микро ва макроэлементлар миқдорини аниқлаш “Спектрометрия массасини индуктив боғланган плазма методи” билан аниқланган.

Диссертациянинг «**Интродукция шароитида оддий калина (*Viburnum opulus* L.) биологияси ва экологияси**» деб номланган учинчи бобида калинанинг биологияси, экологияси, интродукцияси, ҳамда манзаравийлик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.


Калина ўсимлигининг бир неча турлари ўтган асрнинг 60 йилларида академик Ф.Н. Русанов номли Тошкент Ботаника боғига интродукция қилинган ва ўстирилиб синовдан ўтказилган. Ушбу синовдан ўтказилган турлар орасида юртимизнингт иссиқ ва қуруқ об-ҳавосига энг мослашувчанлик хусусиятларини оддий калина (*Viburnum opulus* L.) тури намоен қилган.

Шундай қилиб, оддий калина (*Viburnum opulus*) интродукция шароитида интродукциявий баҳоланганда 80 балл тўплади ва истикболли тур деб ҳисобланди.

Оддий калина фенологияси бошқа дарахт-бута турлари каби йилнинг об-ҳаво шароитлари билан чамбарчас боғланган, бу баҳорги кун исини эрта ёки кеч киришига қараб эрта ёки кеч бошланади. Калина бутасида шира юриши бошланиши ТДАУ Ўқув-илмий таҷриба бўлими шароитларида февраль охирида қайд этилди.

Куртакларини бўртиши мартнинг 2 декадаларига тўғри келади, кеч баҳорда март охири-апрель бошларига сурилади. Калина барг куртаклари бўртиши ва барглари йилиши апрель биринчи ва иккинчи декадаларига тўғри келади. Калинанинг асосий фармацевтик маҳсулоти –новда пўстлоғини

тайёрлаш муддати февраль охири-март бошларига тўғри келади.



1 - расм. ТДАУ Ўқув-илмий тажриба бўлими шароитида оддий калина (*Viburnum opulus L.*) бутаси вегетация даври давомидаги ривожланишининг феноспектрлари

Калинанинг гуллаш даври апрель иккинчи декадасида бошланиб токи май бошларигача давом этади. Бир йиллик новдаларини ёғочлашуви июль охиридан октябрь охирларигача давом этади. Калина меваларини технологик етилиши сентябрь иккинчи декадасидан октябрь бошларигача давом этади, октябрь иккинчи декадасидан бошлаб меваларни бужмайиб куриши кузатилади.

Диссертациянинг «Оддий калинани (*Viburnum opulus L.*) кўпайтириш ва кўчатларини етиштириш технологияси» номли тўртинчи бобида калина мева ва уруғларининг морфологияси, уруғларининг униш ва ювенил даврдаги ниҳолларини ривожланиш хусусиятлари, уруғларни териш ва экиш муддатларини уларни унувчанлиги ва уруғкўчатлар чиқиш миқдорига таъсирини ўрганиш ҳамда калинани вегетатив кўпайтириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Уруғ морфологиясини ўрганишда она бутанинг 5 та шохида остки, ўрта

ва учки новдаларидан олинган уруғларда тадқиқотлар олиб борилди. Битта рўвакда 200 донадан ортиқ мева бўлади. Мевалари етилиш даврида морфологик ўзгаришлар мева ва уруғда акс этади. Август ойидан бошлаб калина мевалари аввал сарғайиб, кейин қизғиш-пушти рангга киради. Сентябрь ойида мевалар тўлиқ пишиб етилади ва тўқ қизил рангга киради. Октябрда мевалар сўлиб аста секин бутанинг шохларида курий бошлайди.

Меваларнинг етилиш жараёнида уларнинг оғирлиги ҳам ортиб боради, августда 100 дона мева оғирлиги 35,4 грамм бўлган бўлса, октябрда бу кўрсаткич 48,8 граммга тенг бўлади. 1 дона мева оғирлиги ҳам мос равишда ортиб бориши кузатилди. Мева банди узунлиги деярли бир хил 7,2-8,2 мм эканлиги қайд этилди. 1 кг янги терилган калина меваларида ўртача 33,6% уруғ, 62,8% шарбат чиқиши қайд этилди.

1000 дона уруғ оғирлиги 42,8-64,8 грамм атрофида бўлиши қайд этилди. Мева банди узунлиги 7,2 -8,2 мм узунликда, бутанинг ўртача ҳосилдорлиги 3,7-4,8 кг ни ташкил этади. Уруғларни экиш меъёри 1 квадрат метр тажриба майдони учун 400 дона уруғ (20 грамм/м²) сарфланди. Уруғлар кузги экишгача стратификация ҳолатида сақланди, унинг давомийлиги турли уруғ тайёрлаш вариантларида 43 кундан токи 110 кунгача муддатни ташкил этди. Уруғ экиш чуқурлиги 2-3 см. Кеч кузда терилган ва қуруқ сақланган уруғларни баҳорда экиш ниҳоллар пайдо бўлишини таъминламади.

Калина уруғкўчатларини сифатини баҳолаш ГОСТ 3317-90 “Сеянцы и саженцы деревьев и кустарников” стандарт талаблари асосида ўтказилди, унга кўра баландлиги 12 смдан ва илдиз бўғзидаги диаметри 2 ммдан кам бўлмаган калинанинг бир йиллик уруғкўчатлари стандарт уруғкўчатлар ҳисобланади. Ўтказилган тажриба вариантларини баҳолаш майдон бирлигидан уруғкўчат чиқиши миқдори билан ҳам баҳоланди. Унга кўра энг яхши натижа 10 сентябрда терилган ва 85 кун стратификация қилиниб экилган тажриба вариантыда қайд этилди. Экилган уруғларни ҳаётчанлиги 84,6% ни ташкил этиб, бу уруғлар баҳорда 68% тупроқда униш қобилятини кўрсатди.

Кузда уруғкўчатларни инвентаризация қилиш 1 квадрат метрда 272 дона уруғкўчат мавжудлиги кўрсатди. Кўчатзорнинг маҳсулот берадиган ер майдони 7000 квадрат метр ҳисобланганда уруғкўчатларни ялпи чиқиши 1904,0 минг дона/га ни ташкил этади. Бу уруғкўчатларни 94,3% ёки 1795,4 минг донаси стандарт уруғкўчатлар ҳисобланади.

Август ойида терилган уруғлар 32,0-41,7% тупроқда униш қобилятини кўрсатди ва 1 квадрат метрда 128-167 дона уруғкўчатлар етиштириш имконини берди. Бу вариантларда 896-1169,0 минг дона уруғкўчатлар етиштирилган бўлса, уларнинг 95% ортиғи стандарт уруғкўчатлар ҳисобланади.

Сентябрь ойи охирида, яъни калина мевалари тўлиқ пишиб етилган даврда терилган уруғлар 7% униш қобилятини кўрсатди (майдон бирлигида 186,7 минг дона уруғкўчатлар). Октябрда тайёрланган уруғларнинг униш қобиляти кескин тушиб кетиши тажрибаларда қайд этилди, улар кузда экиш

фақат сийрак ниҳоллар чиқишини таъминлади, баҳоргача куруқ сақланган уруғлар униб чиқмади (1-жадвал)

1-жадвал

Оддий калина уруғларини териш, стратификация қилиш, сақлаш ва экиш муддатларини уруғкўчатлар чиқишига таъсири

№	Уруғ терилган муддат	Уруғ терилган мева ранги	Стратификация давомийлиги, кун	Уруғ экиш муддати	Уруғ ҳаётчанлиги, %	Уруғларни тупроқда униши %	Вегетация якунида уруғ кўчатлар ўсиш кўрсаткичлари		Уруғкўчатларни ялпи чиқиши, дона		Стандарт кўчатлар чиқиши	
							Баландлиги, см	Диаметри, мм	1 кв.м	1 га майдондан	минг дона (га)	%
1	15.08	Сариқ-қизғиш	110	5.12	86,1	32,0	27,8±0,91	3,87±0,2	128	896,0	863,7	96,4
2	28.08	Оч пушти қизил	97	5.12	82,5	41,7	26,9±0,70	3,81±0,14	167	1169,0	1112,8	95,2
3	10.09	Пушти қизил	85	5.12	84,6	68,0	36,6±0,93	4,16±0,27	272	1904,0	1795,4	94,3
4	18.09	Қизил	77	5.12	84,5	35,5	28,1±0,88	3,85±0,10	142	994,0	941,3	94,7
5	25.09	Ёрқин қизил	70	5.12	92,2	7,0	32,1±0,83	3,66±0,13	28	196,0	186,7	95,3
6	25.10	Тўқ қизил	43	5.12	84,0	-	Сийрак ниҳоллар					
7	25.10	Тўқ қизил	Куруқ сақланган	17.03	84,0	-	Ниҳоллар униб чиқмади					
8	25.10	Тўқ қизил	Музлатилган	17.03	84,0	-	Ниҳоллар униб чиқмади					
9	12.03	Қизил куриган мева	Куруқ сақланган	17.03	83,4	-	Ниҳоллар униб чиқмади					

Калина уруғларини униш биологиясини ўрганиш куйидагиларни кўрсатди: уруғлардан апрель ойи ўрталарида уруғпалла барги ер остидан уруғ пўстини қолдириб кўтарилиб чиқади. Уруғпалла баргларнинг шаклланиши биринчи ён илдизларнинг шаклланиши билан бир вақтга тўғри келади. Биринчи чин барг чиқиши пайтида асосий илдизнинг узунлиги 4,5 см бўлиб 7 тагача ён илдизлар ҳосил қилади.

Янги ўсиб чиққан ниҳол йўғон, этли, оч яшил. Оддий калинанинг (*Viburnum opulus*) уруғпалла барги 2 та бўлиб, узунлиги 12 мм, эни 2 мм гача бўлади. Уруғпалла барги юқорига қараб йўналган бўлиб, учки қисми тук яшил. Гипокотили жигарранг 1-2 мм. Дастлабки чин барги 2 та бўлиб йирик уруғлардан униб чиққан дастлабки чин баргларининг узунлиги 14,4 мм эни 1,85 мм, бўлганлиги кузатилди. Уруғидан униб чиққан ниҳолларнинг июн ойида 2 та, баъзан 3 та I-тартибли новдалар ўсиб чиқди. Бироқ, кўчатзорда сув турғун туриб қоладиган ҳолат бўлиши керак эмас, шунинг учун олдиндан яхши ерни дренажлаш керак.

Экилган калина новда қаламчаларини апрел ойида илдиз олиши кузатилмади. 2017 йил 4 май ойида қаламчаларнинг кесилган қуйи қисми четларини қоплаб оладиган каллюс юзага келиб 2-3 донагача 3-4 см узунликдаги кўшимча илдизлар пайдо бўлиши кузатилди.

Май ойининг иккинчи декадасидан бошлаб қаламчаларда 7-8 тагача илдизлар пайдо бўлиши кузатилди. Бу вақтда қаламчаларнинг 72,2% илдиз олиши кузатилиб, 27,8% кўқарган, лекин кейинчалик илдиз отмаган қаламчалар нобуд бўлди. Илдиз олган қаламчада новдаларнинг сони 2 донагача бўлганлиги аниқланди. Новдаларнинг узунлиги 2-3 см бўлиб, 3 донагача барг ҳосил қилди. Июнь ойининг биринчи декадасида қўшимча илдизлар сони 12 донадан ошди.

Новдаларнинг узунлиги 5 см, барглар сони 5 донагача етди. Июнь ойининг бошларида ўсимлик кўчатларининг баландлиги 12-15 см бўлди, ҳар бир туп қаламча ўсимликда баргларнинг сони 12-18 та гача етди. Шу ойининг охирларига келиб ўсимликларнинг баландлиги 15-20 см га етди, илдизлари эса 15-17 см гача чуқурликка ўсди.

Июль ойининг иккинчи декадасида ўсимликлар асосий поясининг учки қисмидан иккинчи тартибли новдаларнинг пайдо бўлиши кузатилди, уларнинг узунлиги 0,5-1,5 см га тенг бўлди. Барглари 1-3 тагача кўпайганлиги маълум бўлди. Июль охирларида ўсимликлар асосий поясининг баландлиги 20-22 см ва иккинчи тартибли новдаларнинг узунлиги эса 3-5 см бўлиб, ўсимликдаги барглар сони 25-30 тага етди.

2-жадвал

Одий калина новда қаламчаларини тайёрлаш муддатларини уларни илдиз олиши ва кўчатлар чиқишига таъсири

№	Новда қаламча тайёрланган муддат	Новда қаламчаларни экиш муддат	Вегетация даврида кўчатларни ўсиш кўрсаткичлари				Вегетация якунида кўчатларнинг ўсиш кўрсаткичлари		Новда қаламча илдиз олиши, 1.06 ҳолатига кўра, %	Кўчатларни сақла ниши, 1.10. ҳолатига кўра, %	Кўчатлар чиқиши	
			май	июнь	июль	август	Баландлиги, см	Диаметри, мм			1 кв. метрдан, дона	1 га кўчатзордан, минг дона
1	4.03	5.03	7,8±0,3	10,2±0,02	12,6±0,7	15,2±0,2	16,4±0,3	6,8±0,3	46	96,7	44	308
2	11.03	12.03	6,8±0,24	11,2±0,3	13,2±0,1	14,2±0,3	16,2±0,3	5,8±0,2	68	95,4	64	448
3	17.03	18.03	5,4±0,45	5,9±0,4	6,3±0,2	8,9±0,2	11,9±0,2	3,4±0,3	54	93,2	50	350
4	30.03	30.03	4,2±0,44	5,1±0,2	6,7±0,1	8,9±0,3	9,9±0,2	2,2±0,4	35	94,6	33	231
5	7.04	8.04	3,8±0,2	4,2±0,3	5,9±0,2	7,2±0,1	8,9±0,2	1,8±0,2	18	96,8	17	119
6	18.04	18.04	Сийрак кўчатлар									
7	26.04	27.04	Сийрак кўчатлар									

Август ойининг бошларида ўсимлик кўчатларининг баландлиги 12-15 см бўлди, ҳар бир илдиз олган қаламча ўсимликда баргларнинг сони 12-18 доната етди, уларнинг узунлиги 5-6 см ни ташкил этди. Шу ойининг охирларига келиб илдиз олган кўчатларнинг баландлиги 15-20 см га етди, илдизлари эса 15-17 см га чуқурликкача ўсди. Иккинчи вегетация бошида

ўртача 63,01 см баландликка эга калианинг икки йиллик кўчатлар вегетация жунида 153,1 см баландликка эга бўлди.

Мартнинг 1-2 декадасида илдиз олдириш учун экилган калина новда қаламчалари кузда 1 квадрат метрда 46-68 дона мустақил ўз илдизига эга кўчатлар етиштириш имкониятини берди. Бу кўчатларнинг 1 октябрь холатига кўра сақланиши 93,2-96,7% ни ташкил этди. 7 апрелда экилган новда қаламчаларининг 18% қисми илдиз олди ва улар 1 квадрат метрдан 17 дона кўчат чиқишини таъминлади (1 гектардан 119 минг дона).

Март ойида экилган новда қаламчалардан кузда 1 квадрат метрда 44-64 дона кўчатлар шаклланди, бу 1 гектардан 308-448 минг дона кўчат етиштириш имкониятини мавжудлигини кўрсатди (2-жадвал). Кўчатлар баландлиги иккинчи йили 50-80 см га етганда улар стандарт кўчат холатига етишади, бир неча ёнлама новдалар ҳосил қилади ва доимий жойига кўчириб ўтказиш учун яроқли бўлади.

Диссертациянинг **Оддий калина (*Viburnum opulus* L) она плантациясини барпо этиш ва биокимёси**” номли бешинчи бобида калинанинг она плантациясини барпо этиш, минерал ўғитларни буталар ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш, калина мевалари, барглари ва новда пўстлоғини витаминли ва макро-микроэлементли таркибини тадқиқ этиш бўйича ўтказилган биокимёвий таҳлилларнинг натижалари баён этилган.

2019 йил март ойида ТошДАУ Ўқув-илмий тажриба бўлимида бир йиллик калина кўчатлари асосида унинг она плантацияси барпо этилди. Кўчатларни экиш схемаси 4x2 м. Калина кўчатлари олдиндан 40x40x50 см ўлчамда ковлаб қўйилган чуқурларга экилди. Кўчатларнинг илдизлари экишдан аввал махсус органик ўғит, ёғоч кўмир, ўстирувчи стимуляторлар ва сувдан иборат яхшилаб аралаштирилган бўтқага ботириб олиб кейин экилди.

Биринчи вегетация даврида 6-8 та, иккинчи ва кейинги йилларда 4-6 та суғориш амалга оширилди. Суғориш меъёри 600 м³/га тенг. Суғорилгандан кейин ер етилгач қаторлар орасидаги тупроққа ишлов берилди. Бунда тупроқ юмшатилади ва бегона ўтлардан тозаланди. Битта кўчатга 2 кг ёки 2.5 т/га миқдорида экилган кўчатлар атрофи тупроқ намлигини сақлаш мақсадида ёғоч қипиғи билан 2 см қалинликда мулчланди. 2022-2023 йиллари она плантациядаги кўчатларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш уларнинг ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида 5 вариантда тажрибалар олиб борилди. Назорат вариантда буталарга минерал ўғитлар билан озиқлантирилмади.

Буталарни биргина N₆₀ билан озиқлантириш 100 дона мевалар оғирлигини 41,6 г бўлишини таъминлади. Минерал ўғитлар уруғларни тўқ мағизли бўлиши таъминлади – 1000 дона уруғлар барча ўғитланган вариантларда 80-89 граммни ташкил этган бўлса назоратда 71,8 граммни ташкил этди.

Ҳосилдорлик бўйича энг паст кўрсаткич назорат вариантда қайд этилди: 0,66 кг (825,0 кг/га). Тажриба натижалари таҳлилидан келиб чиқиб калина

плантацияларини Ўзбекистон шароитларида 4x3 м экиш схемасида жойлаштириш зарурлиги қайд этилди, чунки буталар 3-4 йиллари қалинлашиб шох-шаббалари бир-бири билан бирикиб кетди. Оптимал ва самарали минерал ўғитлар дозаси N₉₀P₉₀ деб ҳисоблаш мумкин.

Калинанинг она плантациясида ўтказилган мусбат шаклларни танлашнинг асосий мақсади қимматли хўжалик белгиларига эга истиқболли калина шаклларини илк селекция манбаси сифатида ажратиш олиш эди. Натижада 12 та мусбат буталар танлаб олинди ва лаборатория шароитларида мева ва уруғларини морфологик хусусиятлари ўрганилди ва улар орасидан 4 истиқболли шакллари ажратилди.

Назоратга нисбатан юқори ҳосилдорлик Тошкент-1, Тошкент-3, Тошкент-9 ва Тошкент-12 мусбат шаклларида қайд этилди. Бута ҳосилдорлиги танланган шаклларда ўртача 1-2 кг атрофида бўлди, бута ҳосилдорлигини пастлигининг асосий сабаби 2023 йил январь ойида бўлиб ўтган аномал совуқлар таъсири ҳисобланади.

Мева оғирлигининг энг паст кўрсаткичлари назорат сифатида олинган оддий бута меваларида қайд этилди – 0,22 г. 100 дона мева оғирлиги назорат вариантда 25,10 г бўлса, Тошкент–6 шаклида 40,66 г, Тошкент -3 шаклида 41,62 г бўлди. Тошкент-3, Тошкент-6, Тошкент-7 ва Тошкент-12 шакллари мевалари йириклигига кўра истиқболли шакллар сифатида қайд этилди ва селекция ишлари учун бошланғич манба сифатида ажратилди (3-жадвал).

3-жадвал

Оддий калинанинг танланган мусбат буталари мевалари тавсифи

№	Танланган мусбат шакллар	Битта шингилда мевалар сони, дона	Мева узунлиги, мм	Мева диаметри, мм	Мева оғирлиги, г	100 дона мевалар оғирлиги, г	1000 дона уруғлар оғирлиги, г
1	Назорат (оддий бута)	54,95±3,53	8,66±0,09	7,38±0,04	0,22±0,01	25,10±0,33	71,77
2	Тошкент-1	52,36±1,15	9,26±0,07	8,45±0,06	0,37±0,01	34,23±0,30	67,73
3	Тошкент-2	73,87±1,05	8,77±0,07	7,41±0,11	0,29±0,01	30,99±0,20	69,49
4	Тошкент -3	45,99±3,43	9,21±0,08	8,27±0,11	0,39±0,02	41,62±0,10	89,52
5	Тошкент-4	59,89±4,46	7,89±0,07	7,62±0,12	0,35±0,01	30,32±0,48	86,30
6	Тошкент-5	63,25±2,57	9,08±0,04	7,52±0,08	0,35±0,01	34,91±0,40	80,72
7	Тошкент-6	70,75±3,29	9,41±0,12	8,56±0,11	0,33±0,01	40,66±0,20	109,95
8	Тошкент-7	75,80±2,48	8,74±0,04	8,75±0,08	0,38±0,01	39,93±0,41	100,95
9	Тошкент-8	82,95±1,64	9,05±0,04	8,12±0,05	0,37±0,01	36,49±0,22	90,54
10	Тошкент-9	57,15±0,96	8,80±0,07	7,86±0,10	0,34±0,01	32,80±0,25	80,89
11	Тошкент-10	83,0±3,63	8,05±0,13	8,02±0,09	0,34±0,02	31,72±0,07	100,58
12	Тошкент-11	58,55±0,71	8,88±0,08	8,08±0,09	0,33±0,01	30,47±0,41	88,35
13	Тошкент-12	64,90±1,80	8,87±0,13	8,09±0,10	0,38±0,01	38,67±1,30	101,26

Калина меваси таркибидаги С витаминининг миқдори 16538, 65 мг/кг ёки 1,654% ни ташкил этди. Кейинги ўринда В₁ витамини – унинг миқдори 63,856 мг/кг ёки 0,00638% ни ташкил этди. РР витамини 16,254 мг/кг ёки 0,00162% ни ташкил этди. Қолган витаминлар В₂, В₆, В₉ калина мевасида жуда оз миқдорда учраши қайд этилди. Тадқиқот натижалари калина меваларини С витамини манбасига бой фармацевтик хом ашё сифатида тиббиётда фойдаланиш мумкинлигини исботлади.

Биокимёвий таҳлиллар калина ўсимлигида жами 30 га яқин макро ва микроэлементлар учрашини қайд этди. Ўсимликда инсон организми ҳаёт фаолияти ва нормал модда алмашинувида зарур бўладиган Al, Fe, Cu, Mn, Zn, Mo, Co, I, Se каби муҳим макро-ва микроэлементлар учраши қайд этилди.

Оддий калина мевалари таркибида кальций ва калийнинг миқдори мос равишда 782,9 мг/кг ва 2943,231 мг/кг ни ташкил этди. Шу билан бирга мевалари таркибида магний (Mg) 204,4 мг/кг, фосфор (P) 368,9 мг/кг, натрий (Na) 115,3 мг/кг, темир (Fe) 9,1 мг/кг моддалари мавжудлиги маълум бўлди.

Оддий калина баргларида энг кўп учрайдиган элемент кальций (21333,56 мг/кг), магний (2541,78 мг/кг), калий (1888,53 мг/кг), бор (492,65мг/кг) эканлиги қайд этилди.

Калина пўстлоғи таркибида кальций 3935,0 мг/кг, калий 5366,93 мг/кг, магний 548,23 мг/кг, фосфор 262,85 мг/кг натрий 150,19 мг/кг миқдорида эканлиги қайд этилди. Пўстлоғининг таркибида уран ва кумуш 0,23 мг/кг ва 0,02 мг/кг борлиги аниқланди.

Оддий калинанинг 1 йиллик уруғкўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги махсус тузилган ҳисоб-технологик карта маълумотлари асосида таҳлил этилган. Кўчатзорнинг маҳсулот берадиган майдони 7000 квадрат метр ҳисобланди. Кўчатзорда оддий калинанинг 1 йиллик уруғкўчатларини етиштириш учун 1 гектарга қилинган жами харажатлари 54 651,456 минг сўм/га ни ташкил этади.

1 гектар кўчатзорда етиштирилган жами калина уруғкўчатларнинг 1000 минг донаси стандарт кўчатлар ҳисобланиб, ҳар бирининг таннари 152 сўмни ташкил этди. Ҳозирги вақтда 1 дона 1 йиллик калина уруғкўчатининг ўртача бозор баҳоси 800 сўм бўлиб, уруғкўчатларни сотишдан олинган пул тушуми 1 гектар ҳисобига 800 000,0 минг сўм минг сўмни ташкил этади. Кутилаётган соф даромад эса 745 348,5 минг сўмга тенг бўлиши асосланди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Оддий калинани (*Viburnum opulus*) Ўзбекистон шароитларида интродукция муваффақияти 80 балл билан баҳоланди, фармацевтика ва кўкаламзорлаштириш учун истиқболли тур деб ҳисобланди.

2. Калина мевалари шингил(рўвак) тарзида етилади. Шингилда 29-83 та шарсимон, овал қизил мевалари етилади. Мева узунлиги 7,89 мм дан 9,26 мм гача, диаметри 7,41 мм дан 8,75 мм гача, оғирлиги 0,22 граммдан 0,39 граммгача бўлиши қайд этилди.

3. Уруғларнинг униб чиқиши апрел бошида кузатилди. Энг яхши

уруғларни униш кўрсаткичи (68%) 10 сентябрда терилган, 85 кун стратификация қилиниб, 5 декабрда экилган вариантда қайд этилди: Бу вариант 1 м² кўчатзорда 272 дона ниҳол чиқишини таъминлади,

4. 1 гектар кўчатзорнинг маҳсулот берадиган ер майдони 7000 м² бўлиб, ундан уруғкўчатларни ялпи чиқиш миқдори 1904,0 минг донани ташкил этади. Уруғкўчатларни 94,3% ёки 1795,4 минг донаси стандарт уруғкўчатлар ҳисобланади.

5. Март бошида тайёрланган новда қаламчалари 46%, мартнинг иккинчи декадасида тайёрланган қаламчалар 54%, мартнинг учинчи декадаси тайёрланган қаламчалар 35% илдиз олиши қайд этилди. Апрель ойида қаламчалар илдиз олиши кескин пасайиб кетиши қайд этилди.

6. Калинанинг она плантациясида 100 дона мева оғирлиги назорат вариантда 25,10 г бўлса, Тошкент-6 шаклида 40,66 г, Тошкент-3 шаклида 41,62 г бўлди. Танланган 12 та мусбат шакллар орасидан Тошкент-3, Тошкент-6, Тошкент-7 ва Тошкент-12 шакллари истиқболли шакллар сифатида ажратилди.

7. Калина меваси таркибидаги С витаминининг миқдори 16538, 65 мг/кг ёки 1,654% ни ташкил этди. В₁ витамини миқдори 63,856 мг/кг ёки 0,00638% ни, РР витамини 16,254 мг/кг ёки 0,00162% ни ташкил этди. Тадқиқот натижалари калина меваларини С витаминига бой фармацевтик хомашё сифатида тиббиётда фойдаланиш мумкинлигини исботлади.

8. Оддий калина мевалари таркибида кальций ва калийнинг миқдори мос равишда 782,9 мг/кг ва 2943,231 мг/кг ни ташкил этди. Шу билан бирга мевалари таркибида магний (Mg) 204,4мг/кг, фосфор (P) 368,9мг/кг, натрий (Na) 115,3мг/кг, темир (Fe) 9,1мг/кг моддалари мавжудлиги маълум бўлди.

9. Оддий калина баргида энг кўп учрайдиган элемент кальций (21333,56 мг/кг), магний (2541,78 мг/кг), калий (1888,53 мг/кг), бор (492,65мг/кг) эканлиги қайд этилди.

10. Калина пўстлоғи таркибида кальций 3935 мг/кг, калий 5366, 93 мг/кг, магний 548,23 мг/кг, фосфор 262,85 мг/кг натрий 150,19 мг/кг миқдорида эканлиги қайд этилди.

11. 1 гектар кўчатзорда етиштирилган жами калина уруғкўчатларнинг 1000,0 минг донаси стандарт кўчатлар ҳисобланди. Уруғкўчатларни сотишдан олинган пул тушуми 1 гектар ҳисобига 800 000,0 минг сўм минг сўмни ташкил этади. Кутилаётган соф даромад эса 745 348,544 минг сўмга тенг бўлиши асосланди.

12. Калина уруғларидан биринчи баҳорнинг ўзида қийғос ниҳоллар олиш учун уларни сентябрь биринчи декадасида териш ва 3 ой мобайнида стратификация қилиш ва ноябрь охири-декабрь бошида кўчатзорга экиш тавсия этилади.

13. Калина новда қаламчаларини илдиз олиш даражасини ошириш учун уларни мартнинг биринчи декадасида бир йиллик новдалардан 20 см узунликда кесиб тайёрлаш, 8 соат корневин стимуляторида ишлов бериш ва қумли субстратга экиш тавсия этилади.

14. Калина она плантациясида буталарни ҳосилга кириш муддатларини жадаллаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида уларни $N_{90}P_{90}$ миқдорида 3 марта озиклантириш (ғунчалаш даврида, қийғос гуллаганда, меваси тугилганда) тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХОМИДОВ МИРЗАОБИД ХОМИДОВИЧ

**БИОЭКОЛОГИЯ И ТЕХНОЛОГИЯ РАЗМНОЖЕНИЯ КАЛИНЫ
ОБЫКНОВЕННОЙ (*VIBURNUM OPULUS L.*).**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**Автореферат диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

ТАШКЕНТ–2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2022.4.PhD/Qx1047.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.tdau.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:	Бердиев Эркин Турдалиевич доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тухтаев Бобокул Еркулович Доктор биологических наук, профессор Эшанкулов Бобомурод Инаятович доктор сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт Садоводства, виноградарства и виноделия им. акад. М.Мирзаева

Защита диссертации состоится 3 мая 2024 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, улица Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № 550721). (Адрес: 100140, г. Ташкент, улица Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 22 апреля 2024 года
(реестр протокола рассылки № 80 от 30 ноября 2023 года).



А.Ш. Азизов
Заместитель председателя
научного совета по присуждению
учёных степеней. д.с.-х.н.,
профессор

М.З.Холмуротов
Ученый секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней. д.ф.с.х.н., доцент

С. Юнусов
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На мире особое внимание уделяется выращиванию нетрадиционных ягодных лекарственных кустарников, более полному использованию их лечебных и декоративных свойств, расширению производства из них натуральных лекарственных средств. Среди них калина (*Viburnum L.*) – ценное растение, включенное в Фармакопею стран Европы и СНГ благодаря своим лечебным свойствам и практическому использованию. “В странах СНГ собирают 50 тысяч тонн плодов калины (*Viburnum opulus L.*) в год”¹. “Ежегодная потребность российской фарминдустрии в коре калины составляет около 90 тонн”². В коре калины содержится гликозид вибурнин, активизирующий свертываемость крови. В качестве лекарственного сырья используют плоды (*Fructus viburni*) и кору стеблей (*Cortex viburni*).

В мире, в Российской Федерации, в республиках Украина и Беларусь проводятся исследования по изучению лечебных свойств гликозида вибурнин в коре калины, использованию его в фармацевтической промышленности, разработке новых лекарственных препаратов, закладке промышленных плантаций, созданию высокопроизводительных сортов со сладкими плодами. В результате этих исследований появилась возможность создания новых лекарственных средств на основе сырья калины и расширяется использование калины как новой садовой культуры.

Проведены ряд исследований и были достигнуты определенные результаты по разработке технологии размножения и выращивания в местных условиях новых интродуцированных в нашу республику декоративных древесных и кустарниковых растений, более широкому их применению в областях лесного хозяйства и озеленения, обогащению местной дендрофлоры. Недостаточно научных рекомендаций по биоэкологии калины в условиях интродукции, определению возможностей семенного и вегетативного размножения, биохимическим исследованиям ее плодов, технологии выращивания сеянцев. В новой стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы определены задачи «расширения площади лесов на территориях республики и эффективного использования земель лесного фонда». В связи с этим важно заложить в республике первую маточную плантацию калины обыкновенной, с учетом биологических особенностей вида, которая является лекарственным и декоративным кустарником, и разработать технологию выращивания саженцев.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4424 «О дополнительных мерах по повышению эффективности лесопользования в Республике» от 23 августа 2019 года и № 251 «О мерах по выращиванию и переработке лекарственных растений, и

¹ booksite.ru/fulltext/rusles/kalina/text.pdf

² korolevpharm.ru/dokumentatsiia/kalina_obyknovennaya.html

организации по широкому использованию их в лечебном процессе» от 20 мая 2022 года, а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

